

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон туман Мактабгача

таълим бўлими мудири в.в.б

в/б В.Мамажонов



Ўзбекистон тумани тасарруфидаги Мактабгача таълим ташкилотларига 2022-2023 йилларнинг қишибор мавсумига қишлоқ хўжалик махсулотларини сотиб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети: Ўзбекистон тумани тасарруфидаги Мактабгача таълим ташкилотиларига 2022-2023 йилларнинг қиши-баҳор мавсумига қишлоқ хўжалик махсулотлари(пиёз)ни сотиб олиш учун

1.2. Хизмат бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Махсулотни етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Ўзбекистон туман Мактабгача таълим бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2. “Буюртмачи” манзили: Узбекистон тумани Зиёкор кучаси №98а-уй.

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибида, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, ҳамда юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- 1) Махсулот захира учун сифатли бўлиши керак**
- 2) Барча МТТ лар манзилига етказиб берилиши шарт**
- 3) Махсулотни узоқ муддатга истеъмолга яроқлилига кафолат хати**
- 4) Инсофсиз иштирокчилар ягона реестрида турмаслиги керак**
- 5) Етказиб берувчи томонидан махсулотдан намуна берилиши керак**
- 6) Омбор маълумотларидан нусха**
- 7) Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги бўлмаслиги керак**
- 8) Ишчи-ходимлари тўғрисида маълумотнома (my.mehnat.uz)**
- 9) Ҳисоб рақамида шартнома қилиш учун маблағи мавжудлиги тўғрисида маълумотнома**

Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялашибди зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар ҳамда нархни 10 фоиздан ошиқ сунъий туширилган таклифлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон қўринищда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида; хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, маълумотномалар техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳукуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгаришишга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгаришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгаририлган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталда эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.